

Жума - кунларнинг саййиди



04:02 / 14.06.2024 5819

Абу Лубоба ибн Абдулмунзир розияллоху анху ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “Жума куни кунларнинг саййиди, Аллоҳ таолонинг наздида буюгидир. У кун Қурбон ҳайитидин ҳам, Рамазон ҳайитидан ҳам буюкроқдир. Унда бешта хислат бордир: Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни жума куни яратди; сўнгра шу куни ерга туширди; Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни мана шу кунда вафот қилдирди; унда вақт бор, банда Аллоҳ таолодан нимани сўраса, унга ўшани беради; қиёмат шу куни қоим бўлади, фаришталар, ер, осмон, шамол, тоғлар, денгизлар шу куни (қиёматнинг қоим бўлиб қолишидан) қўрқиб-титраб турадилар», - дедилар».

Аҳмад ривоят қилган.